
Ноқонуний ҳолатларга чек қўйиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда
Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда республиканинг турли ҳудудларида “Shaffof” бренди остида фаолият юритаётган автомобилларга газ тўлдириш шохобчалари ҳамда тадбиркорлик субъектларида содир этилаётган ноқонуний ҳолатларга чек қўйиш бўйича тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, “Shaffof” бренди остидаги 73 та хўжалик субъектига қарашли 101 та автомобилларга газ қўйиш шохобчасининг табиий газ ва электр тармоқларидан ноқонуний фойдаланиши ҳолатлари ўрганилмоқда.

2023-03-16 17:50:39